

Яқинда «Тахياتош ИЭС» очик акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобига «Тахياتош гидроэнергоқурилиш» корхонаси томонидан Тахياتош шаҳрида 32 квартиралар уй қуриб битказилди. Қувонарлиси, умумий қиймати 929млн. 120 минг сўм бўлган ушбу квартиралар ёш оилаларга соғва қилинди.




Эндиликда ҳар ёзда бу ерда 470 нафар бола саломатлигини мустаҳкамлайди. 24 кишилик жамоа уларга ғамхўр ва меҳрибон.



Миллий Олимпия терма жамоамиз аъзолари Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган йилдан бошлаб барча ёзги ва қиши Олимпия уйинларида иштирок этиб, 7 та оltин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch



Ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етишда бизнинг ишончимиз ва суянчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизга янада кенг-роқ йўл очиб бериш ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этаётганини бугунги кунда барчамиз чуқур ҳис этмоқдамиз.
Ислом КАРИМОВ

2008-yil 9-avgust № 94 (2507) shanba

Ўzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ислом Каримов олимпиаданинг очилиш маросимида иштирок этди

ОЛИМПИАДА МАШЪАЛАСИ ПОРЛАЙ БОШЛАДИ

Пекин, 8 август (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаоннинг таклифига биноан ХХХ ёзги Олимпиада уйинларининг очилиш маросимида иштирок этиш учун Пекинга келди.

Мамлакатимиз раҳбари оқшом Пекин марказидаги ҳашаматли «Куш уяси» стадионига таширф буюрди. Бу ерга қўллаб мамлакатлардан келган давлат ва ҳукумат раҳбарлари, Халқаро олимпия қўмитаси раҳбарияти, фахрий меҳмонлар, минглаб спорт ишчибозлари тўпландилар.

Хитой халқи 8 рақамига хайрли, ҳосиятли рақам сифатида қарайди. Шу боис иштирокчи давлатлар ва спортчилар сони бўйича ўзига хос рекорд қўйган ХХХ ёзги Олимпиаданинг очилиш маросими янги мингйилликнинг саккизинчи йили, саккизинчи ойи, саккизинчи санасида, кеч соат саккизда саккиз дақиқаю саккиз сония ўтганда бошланди. Бунда чуқур раъзий маъно бор. Бугунги мураккаб, ўзгарувчан дунёда тинчлик ва барқарорлик, халқларнинг тотувлик ва дўстлиги тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Пекин Олимпиадасига «Ягона дунё — Ягона мақсад» шiori берилгани ҳам шундан. Спорт азалдан тинчлик элчиси

бўлиб келгани, халқларни бирлаштиргани, инсонлар саломатлигини мустаҳкамлагани, чиниқтиргани, қолаверса, қадимда йирик спорт мусобақалари даврида урушлар тўхтатилгани, хусуматлар унутилгани алоҳида таъкидга лойиқ.

Спорт байрами айни белгиланган вақтда бошланди. Олимпия машъаласи ёқилди. Уттиз мингдан зиёд мушак отилиб, самода Олимпиада рамзларини, ушбу ёшлик, гўзаллик ва саломатлик байрамининг босиб ўтган тарихий йўлини акс эттирди. Йиғилганларнинг олқишлари садоси остида стадионга қатнашчи мамлакатларнинг жамоалари кириб кела бошладилар.

Улкан стадионга тўпланганлар Ўзбекистон Республикаси спорт жамоасини ҳам гулдурас қарсақлар билан қутиб олди. Юртимизда спортни ривожлантиришга, унинг биз учун янги турларини оммавийлаштиришга, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга кўрсатилаётган алоҳида эътибор туфайли 17 йил аввал Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида таниган дунё эндиликда иқтидорли ўзбек спортчиларининг маҳоратини эътироф этмоқда.

Масалан, ўтган йили АКШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида 21 яшарли ўзбек йигити Аббос Атоев олти юз нафар боксчи

орасида чемпионлик кариерини қўлга киритгани Ўзбекистон бокс мактабининг шурхати амалий мураббийлари билан мустаҳкам эканлигидан далолатдир. «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди». Ўзбекистон фарзандлари бу юртда спорт соҳасида ҳам кўпчилик орасида ёриб чиқадиган, ҳеч кимдан кам бўлмаган забардаст ўғлонлар, иродали қизлар кўп эканини мудом исбот этиб келмоқда.

Зеро, нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашаётган ҳар бир спортчимиз бутун халқимизнинг ва Юртбошимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ҳис қилиб туради. Ўзини бундай маҳорат ва жасорат соҳиби этиб тарбиялаган Ватан олдидаги масъулиятини доимо ёдда тутати. Бу туйғулар уларга катта шижоат ва ғайрат бахш этди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан спортга қаратиб келинаётган улкан эътибор самараларидир.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли қитъа ва жаҳон биринчиликларида иштирок этаётган спортчиларимизнинг сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда, совриндорларимиз кўпаймоқда, миллий байроғимиз юксакка кўтарилиб, мадҳиямиз янграмоқда.

Бу ғалги жаҳон спорт форумида эллик саккиз нафар ҳамюртимиз спорт-

нинг ўн беш тури бўйича беллашиб, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Хитой халқлари азалий дўстлик ришталари билан чамбарчас боғланган, Буюк ипак йўли даврида қарор топган анъанавий алоқалар бугунги кунда янгиликлар билан асосида жадал ривожланмоқда. Давлатлараро муносабатлар нуқта назаридан айтганда, Ўзбекистон ва Хитой стратегик шерик мамлакатлардир. Президент Ислом Каримов Пекин Олимпиадасининг очилиш маросимида таклиф этилган олий даражадаги ўзаро ишонч ва ҳурматдан, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг ўзаро муносабатларини янги мазмун билан бойитишга интилишидан далолатдир.

Ислом Каримовнинг Пекинга таклиф этилиши тобора юксалаётган ўзбек спортининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи ҳамдир. Айни пайтда Олимпиаданинг очилиш маросимида Президентимиз шахсан ташриф буюриб, спортчиларимизга оқ фотиҳа бериши уларга куч-қувват бағишлади, ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Демак, спортчиларимиз ХХХ Олимпиадада ғалаба шохунасининг энг юқори погоналарига кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси бир неча марта жаранглашига шубҳа йўқ.

Пекин. (ЎЗА махсус мухбири Зоҳир ТОШХУҲАЕВ хабар қилади).

8 август кuni Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида ХХХ ёзги Олимпиада уйинларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Олимпиада уйинлари илк марта Греция пойтахти Афина шаҳрида ўтган. 1896 йилнинг 6-15 апрел кунлари ўтказилган ўша мусобақаларда ўндан зиёд мамлакат вакиллари спортнинг тўққиз тури бўйича куч синашган.

Йиллар ўтиши билан Олимпиада уйинлари ер куррасининг барча қитъаларидаги мамлакатлар спортчиларини дўстона беллашуларга жалб қила борди ва спорт оламининг энг оммавий мусобақасига айланди. Олимпиада уйинларининг рамзи ҳисобланган 1913 йилда Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган кўк, қора, қизил, сариқ ва яшил рангли бешта халқа бугунги кунда Европада, Африкада, Америкада, Осиёда ҳамда Австралия қитъаларининг бирлиги тимсолига айланди.

Олимпиаданинг ана шу бешта халқа тасвирланган оқ байроғи эса тинчлик рамзидир. Зеро, Олимпиада уйинлари чоғида урушлар тўхтатилган.

...ХХХ ёзги Олимпиада уйинларининг тантанали очилиш маросими Пекинда янги барпо этилган «Куш уяси» стадионида бўлиб ўтди.

Тантанавор безатилган стадионда Хитойнинг ўзига хос тарихи, миллий анъана-

лари, театрлаштирилган сахна кўринишлари ва санъат усталарининг чиқишлари намоиш этилди.

Сўнг майдонга, анъанага биноан, биринчи бўлиб Олимпиада уйинлари ватани — Греция спортчилари чиқиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини баланд тутган машҳур спортчимиз — ҳарбийлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё уйинлари

байдарка ва каноэда эшак эшиш, трамполин, велоспорт-шоссе, сузиш, академик эшак эшиш, енгил атлетика ва теннис каби ўн беш тури бўйича муносиб беллашишга қодир эллик саккиз нафар спортчимиз бор.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан спортчиларимизнинг Олимпиадага қизгин тайёргарлик кўриши учун барча



ЎЗА-Жаҳон АА



фузали мусобақаларда қатнашиш, хорижий давлатларда ва юртимизда ўқув-машғулот йиғинлари ўтказиш учун шарт-шароитлар ҳозирланди. Уларнинг юқори спорт тайёргарлигини таъминлашга кўмаклашувчи илмий-услубий, тиббий-биологик тадқиқотлар ўтказилди. Спортчиларимиз жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги спорт анжомлари билан таъминланди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор 2006 йили Катар пойтахти Доха шаҳрида ўтган XV ёзги Осиё уйинларида ҳам ўз тасдиғини топди. Катар мусобақаларида спортчиларимиз, айниқса, байдарка ва каноэда эшак эшувчилар, боксчилар, эркин ва юнон-рум кураш усталари ва таэквондочилар қўлга киритган ютуқлар муҳлису мутахассисларни хушнуд этди.

(Давоми 4-бетда.)

Янгиликлар панорамаси

Жиззах ҚИШЛОҚҚА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ КЕЛАДИ

Вилот тадбиркорлари Хитой технологияси асосида темир-бетон, ғишт, кондитер ва плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш арасида туришибди. Ана шу мақсадда беш нафар тадбиркор янги технологиялар сотиб олишга шартнома тузиш учун Хитойга жўна кетди. Улар мевани қайта ишлаш, нон ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни мақсад қилишган.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Фарғона ФЕРМЕР ЮТУҒИ

— Хўжалик ғаллакорлари ноқулай об-ҳаво шароитида 17 гектар майдонда деҳқончилик қилдилар. — дейди Охунбоев тумани Лойсон қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги «Ҳамро Бобораҳим ёри фойизи» фермер хўжалиги раҳбари, меҳнат фахрийси Абдуқосим Мамадалиев, — қишнинг соғуқ, баҳорнинг қуруқ келгани хўжалик ғаллакорларидан омилкорлик билан иш юритишни, майсалар парварлишига алоҳида эътибор қаратишни талаб этди.

8 кишидан иборат тажрибали ғаллакорларнинг мавжуд агротехник тадбирларини ўз вақтида режа асосида амалга ошириши

Сурхондарё БЎШ ВАҚТ НАМУНАЛИ ЎТМОҚДА

«Ёшлар йили» муносабати билан «Термиз» халқаро аэропортида меҳнат қилаётган ёшлар учун касаба уюшма қўмитаси томонидан йил бошида ишлаб чиқилган тадбирлар режасига асосан қўлай меҳнат ва дам олиш шароити яратилди. Улар бўш вақтини мазмули ўтказиш учун спорт жиҳозлари харид қилинди. Энди муъжазгина майдонда спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланиш имкони мавжуд.

Шунингдек, яқинда касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан 50 нафар ёшларнинг Самарқанд шаҳрига саёхати уюштирилди.

З.НАЖМИДИНОВ


натijasида ҳосилдорлик яхши бўлди. Бу йилги мавсумда хўжалик ғаллакорлари давлат қабул пунктларига ҳар гектардан 50 центнердан, жами 74 тоннадан ортқ сара дон етказиб беришди. Режадан ортқча етиштирилган ҳосилнинг бир қисми, яъни бир тоннадан буюдй ғаллакорлар ва кам таъминланган, муҳтож оилаларга тақсимлаб берилди.

Тажрибали фермер даласидаги ҳосил йиғиштириб олинган, сифатли шудгор қилинган майдонларга такрорий экин — кечки қунгабоқар экилди.

Айни кунларда фермер хўжалигининг 18 гектар пахта майдонида ҳосил учун ҳаракат авж олдирилган.

Мухаммаджон МАХМУДОВ

Қорақалпоғистон — азим диёр



Қорақалпоғистон ҳақида гап кетганда, Эрзава Олакўздай ботирлар, Бердак ва Ажиниёздай беназир шoirлар номини тилга олмасликнинг иложи йўқ. Бугунги кунда эса Тўлелберген Қайипбергенов, Гулистон Матёқубова каби ижодкорлар, Байрам Матчонов, Пулат Мадрейимов, Мирзагул Сапаева каби санъаткорлар, Собир Камоловадай академиклар, Эркин Қутибоевадай спортчилар ва қалбида ке-



лажакка ишонч жўш урган миллионлаб ёшлар юрт қудратига қудрат қўиши иштиёқда ёниб яшамоқдалар.

Қорақалпоқ деганда эндиликда нафақат чорвачилик ёки пахтачилик ривожланган, балки санъати юксалган, нефть ва энергетика соҳаси тобора тараққий этаётган диёр кўз олдимизга келади. Мустақилликнинг ўн етти йили бу азим диёрда ҳам суруриш кечди. Ҳар бир йил алоҳида залвор касб этди. Қорақалпоғистонликлар экологик муаммоларни мардонавор енгиб, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида олдинги сафларда дадил одимламоқдалар.

Жорий йилнинг биринчи

ярмида макроиқтисодий бариқдорлаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Натijasида янги ички маҳсулот ишлаб чиқариш 9,3 фоиз, саноат моллари ишлаб чиқариш 14,2 фоиз, чакана савдо айланмиси 18 фоиз, пулли хизмат кўрсатиш 14,2 фоиз ўсди. Маҳсулот экспорти 20,6 фоизга кўпайди. Жалб қилинган инвестиция хажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 фоиз кўп. Иқтисодийнинг етачки тармоқларини модернизациялаш давом эттирилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Қорақалпоғистоннинг умумий ер майдони 166.600 квадраткилометр. Аҳолиси 1,7 млн.га яқин. Қорақалпоғистон Қизилқум саҳросининг шимоли-ғарбий қисмини, Устурт платосининг жануби-шарқини, Амударё дельтасини эгаллайди. Орол денгизининг жанубий қисми Қорақалпоғистонда тўйлашган. Ўн тўрт туман ва икки шаҳардан иборат.





Икром ХАСАНОВ олган суратлар

5 август кунин «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олиш учун келган 220 нафар бола кутиб олинди. Улар мазмунли ҳордиқ чиқариб, 20 августда Қорақалпоғистонга тантанали тарзда кузатилади. Шу билан жорий йилда оромгоҳларда Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг 2000 нафар фарзанди соғломлаштирилади.

Тўртқул туманидаги «Лочин» болалар оромгоҳи 1976 йилдан буён фаолият кўрсатади. — 2006 йили оромгоҳ касабани уюшмалари тасарруфига ўтказилди, — дейди маскан раҳбари Шокир Каримов. — Касабани уюшмаларининг гамхўрлиги тўғрисида оромгоҳимиз болаларининг севимли масканига айланди.

«ЛОЧИН»НИНГ КЕНГ ҚАНОТИ



Суратда: «Лочин» оромгоҳи фаолиятдан лавҳалар. Оромгоҳ бошлиғи Шокир Каримов дам олувчилар билан.

Касабани уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси бирлашмаси ўтган йили оромгоҳнинг икки биносини таъмирлаб берган эди. Бу йил қолгани ҳам таъмирланиб, замонавий кўйга келди. Эндиликда ҳар ёзда бу ерда 470 нафар бола саломатлигини мустаҳкамлайди. 24 кишилик жамоа уларга гамхўр ва меҳрибон. Ўтган йили оромгоҳ мамлакатимиздаги энг яхши дам олиш масканларидан бири сифатида қайд қилинган ва касабани уюшмалари Федерациясининг фахрий ёрлиғи ҳамда компютер жамланмасига сазовор бўлган эди. Ушбу рағбат жамоани янада фаол бўлишга ундамоқда. Бош етакчи Гулёр Собирова, тарбиячилар Ирода Пулатова, Навбахор Курбонова, Меҳрибон Собирова, ши-

фкор Абдумўмин Пулатовлар болаларнинг хурмати қозонган. Лола Мамбетсобинова бошлиқ ошпазлар тайёлаган таомлар оғизда эриб кетади. Болалар вақтини тикувчилик, каштачилик, рассомлик тўғрисида, кутубхонада ўтказиладилар. Ҳар кунин шахмат, шашка, теннис, арқон тортиш, волейбол, баскетбол, югуриш бўйича мусобақалар ўтказилади. Бассейн ҳам дам олувчиларнинг чинқишига хизмат қилмоқда. Кечқурунлари эса ёш ҳаваскорлар иштирокида концерт уюштирилади. Биз оромгоҳда бўлган кунин болалар расм чизиш бўйича маҳоратларини намоиш қилаётган экан. Энг яхши расм муаллифларига фахрий ёрлик ва совғалар топширилиши болаларни

тўқинлантирди. — Хўжайли туманидан келдим, — дейди 14 ёшли Аскар Низомиддинов. — Таътилни марокли ўтказишга ўтганимдан мамнунман. Янги дўстлар орттирдим. Турли соҳаларда иқтисодимизни синаб кўрайман. Тўртқуллик Камолитдин Полвонов, хўжайлилик Уналбой Давлетбоев, тахтатоллик Зийнат Қурбонбоевлар ҳам шу фикрда. Улар айниқса, Хива шаҳрига саёҳат жудаёқ марокли кечганини айтишди. — Мен болаларга улуг боболар ва замондошларимиздан ибрат олишимиз керакли.

гини кўп таъкидлайман, — дейди Шокир Каримов. — Мана, қаранг, Тўртқул тумани хокими Икром Йўлдошев совға қилган чўғдек гиламлар кўзини яшнатади. «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик жамиятидан ҳам бениҳоя миннатдоримиз. Улар ўтган йили 19 млн. сўмлик жиҳозлар совға қилишди. Туманимиздаги «Чорвадор» фермер хўжалиғи билан шартнома тузганмиз. Унга мувофиқ фер-

мер кунига 30 литр сут келтириб беради. Олийҳимматлик оромгоҳ жамоасига ҳам бегона эмас. Мавсумнинг дастлабки икки навбатида Хўжайлидаги «Меҳрибонлик» уйининг 90 нафар тарбияланувчиси соғломлаштирилди. — Режаларимиз бисёр, — дейди оромгоҳ бошлиғи. — Кейинги йили болаларга бу йилгидан-да яхшироқ хизмат қиламиз. Касабани уюшмасидаги гамхўримиз бор экан, имкониятларимиз тобора ортаверади. «Лочин»нинг парвози юксак бўлаверади.

У. БОЗОРБОВ



Марокли таътил — йилларга матир

Шаҳрисабзнинг Беруний номли оромгоҳини нафақат Кашкарларда, балки бутун мамлакатда яхши билишди. Бу ерда ҳар йили Ўзбекистоннинг турли бурчақларидан келган болалар ёзи таътилни марокли ўтказиладилар.

— Бу йил биргина Оролбўйининг ўзидан 300 нафар ўғил-қизин қабул қилдик. Улар учун ҳамма қулайликлар яратилган, — дейди оромгоҳ бошлиғи Л.Каримов. — Мураббий Алишер Зокиров раҳбарлигида кўпгина мусобақалар уюштирилди.

Мавсумда 2 мингдан зиёд бола соғломлаштири-

Оролбўйи болалари Шаҳрисабзда

лади. Оромгоҳда 61 нафар ходим хизмат қилапти. Тажрибали шифокорлар болалар соғлиғидан доимо бохабар бўлиб туришибди. Эркин Пулатов, Рустам Васиев каби ошпазлар мазали таомлар тайёрлаб беришяпти.

Оромгоҳ кутубхонаси 2 мингга яқин китоб фондига эга.

Маънавият ва маърифат марказида «Чекмасдан ёшлик гаштини сур», «Хеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Кўёшли юрт болалари» каби танловлар ўтказилди.

— Мириқиб дам олаямиз, — дейди Қўнғирот туманидан келган Азизбек Абдумуродов. — Келгуси йили бу кўркем оромгоҳга яна келиш ниятим бор.

Иззат ХИКМАТОВ, «Ishonch» муҳбири



Жиний даромаднинг манбаи — оғу



Буюкбританияда жинийчилик назорат қиладиган иқтисодийнинг қўлами 40 млрд. фунт-стерлинг (80 млрд. доллардан кўпроқ)га тенг деб баҳоланмоқда. Мамлакатдаги уюшган жинийчилик сафига 15 мингдан кўпроқ киши жалб қилинган.

Биргина Лондоннинг ўзида 170 га яқин уюшган жиний гуруҳ мавжуд. Полиция бошлиқлари асосияси шундай маълумотга эга. Жиний гуруҳларнинг 60 фоизга яқини асосий фойдасини наркотик моддалар савдосидан олади. Ассоциациянинг маълум қилишича, жинийчиликнинг қамиди 27 та раҳнамоси ўз гуруҳларини Буюкбритания турмаларидан туриб бошқаради.

Ярим миллиард долларлик қарз



«The New York Times» газетасининг 8 август кунги сонда ёзилишича, Америка ҳукумати мамлакатдаги хинди қабилалари ва уларнинг аждодларидан 455 млн. доллар қарз бўлиб қолган. Пайшанба кунин Вашингтон суди шундай қарор чиқарди.

Бир гуруҳ хиндилар берган даъво аризасида ҳукумат 1887 йили асил америкаликлар учун очган ҳисоб-рақамлар қақида гап боради. Уларга хинди ерлари табиий ресурсларидан фойдаланганлиги учун АҚШ товуни пули тўлаб туриши лозим эди. Аммо аниқлашнича, кўп йиллар мобайнида ушбу ҳисоб-рақамларга йилгига 1 центдан камроқ пул ўтказилган...

Судга салкам ярим млрд. доллар пулни 300 минг хинди ўртасида қандай тақсимлаш масаласини ҳал қилиш учун алоҳида суд мажлиси ўтказиш лозимлигини таъкидлаган.

Кўнига 3 та самолёт сотадиган компания



2008 йилнинг етти ойи мобайнида «Airbus» авиасозлик компанияси 711 та самолётга буюртма олган. Бу ҳақда АФР агентлиғи хабар тарқатди. Айни вақтда компания буюртмачиларга 286 та ҳаво команини етказиб берган.

Шу тариха «Airbus» ўзининг асосий рақобатчиси бўлиш «Boeing»дан ўзиб кетди. Америкаликлар 29 июлгача атиги 543 та самолётга буюртма олган.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабани уюшмаси
Марказий кенгаши
мамлакатимиз бунёдкорларининг
касб байрамлари — «Қурувчилар кунин» билан
муборакбоа этади.
Байрат ва шижоат
қамиша ҳамроҳингиз бўлинг!

ОЛИМПИАДА МАШЪАЛАСИ ПОРЛАЙ БОШЛАДИ

(Боши 1-бетда.)

Пекин Олимпиадасига бугун давр — сўнгги тўрт йил Ватанимиз шарофиди халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қила оладиган иқтидорли спортчилар авлоди вояга етатишнинг кўрсатди. Спортчиларимизнинг 2007 йилнинг ўзида жаҳон ва китаъ чемпионатлари, халқаро турнирларда жами 395 медални қўлга киритгани бунинг ёрқин далилидир.

ғулланиш учун етарлича шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Оммавий спорт тароққитида Юртбошимиз раҳнамолигида кашф этилган ва жаҳон тажрибаси учун янгилик бўлган таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақалари муҳим омили бўлмоқда. Ушбу мусоба-

Ирина Шлемова каби мазкур уч босқичли спорт тизими кашфиётларининг борлиги ҳам спортни ривожлантиришда тўғри одимлаётганимизни яна бир қарра тасдиқлайди.

Спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришган ютуқлари доимо рағбатлантириш борлиги асосан, Олимпиада Президентининг 2008 йил 23 июлдаги 2008 йил Пекин шаҳрида (ХХР) бўлиб ўтати-

шуҳратини оширишга қўшган муносиб ҳиссасини эътироф этиш мақсадида пул-мукофотлари белгиланди.

«Куш уяси» стадионида 204 мамлакат жамоаси саф тортади.

Олимпиада ўйинлари мадҳияси янграб, ХХХ Олимпиада ўйинлари байроғи кўтарилади.

Олимпиада ўйинларининг ватани — Олимпия шаҳрида куёш нурларидан аланга олдирилган машъала стадионга олиб кирилди. Жорий йилнинг 24 март куни ўтдирилган бу машъала 137 кун давомида дунёнинг барча қитъаларидаги 22 мамлакат ҳудуди орқали олиб ўтилди.

Олимпиада машъаласини хитойлик машхур гимнастикачи Ли Нин ёқди. Тинчлик рамзи — кабутарлар кўкка парвоз қилади.

Шундай қилиб, ХХХ Олимпиада ўйинлари бошланди. Унда ўн олтинг олимпиадачи спортнинг ўттиздан зиёд тури бўйича 302 медаллар жамланмаси учун кураш олиб боради. Мезбонлар Олимпиада иштирокчилари ихтиёрига ўттиз етти та спорт иншооти, етмиш олти машғулот майдонларини топширди.

Мустақил Ўзбекистон спортчиларининг ёзги Олимпиада ўйинларидан ҳаммиша медаллар билан қайтиши кутлуг аёнанага айланган. Бу олимпиадачиларимизнинг Пекиндаги мусобақаларда ҳам юксак ғалабаларни қўлга киритишига қатъий ишонч бағишлайди.

(ЎЗА)

Суратлар интернет сайтларидан олинди.




Пекин Олимпиадасига энг кўп йўлангани — ўн иккита — енгил атлетика усталари қўлга киритди. Улар орасида Светлана Радзивиц, Виталий Смирнов, Гузал Хуббиева, Бобур Шокиржонов, Юлия Тарасова, Анастасия Свечникова каби спортчилар бор.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда спортга баркамол авлод ва комил инсон тарбиясининг муҳим йўналиши сифатида қаралади. Ўзбекистон оммавий спортни ривожлантириш орқали халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш ва халқаро майдонларда юртимиз шаънини ҳимоя қилишга қодир спортчилар авлодини тарбиялаш йўлидан бормоқда. Истиқлол йилларида аҳолини, айниқса, болалар ва хотин-қизларни jismoniy тарбия ва спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, чекка қишлоқларда ҳам спорт билан шу-

қалар тизими фарзандларимизни ватанпарвар, миллатсевар, ҳаёт синовларига бардошли, бағрикенг, jismonan етук қилиб тарбиялашдан ташқари, жойларда замонавий спорт иншоотлари ва сув ҳавзалари барпо этилишига ҳам хизмат қилаётди.

Ушбу уч босқичли узлуксиз тизимнинг юксак самараларини олимпиадачиларимиз орасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиадаларда кашф қилинган спортчиларнинг кўплиги ҳам кўрсатиб турибди. Хусусан, мамлакатимизнинг энг кучли енгил атлетикачиларидан бири — Светлана Радзивиц дастлабки юқори натижаларини 2002 йилда Фарғонада ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида намойиш қилган. Пекинга келган спортчилар орасида Мария Бугакова, Темур Эргашев, Даниил Бугаков,

ган ХХХ ёзги Олимпия ва XIII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон Республикаси спортчиларини тайёрлаш ва иштирок этиши тўғрисидаги қарорига асосан, Олимпия ва Паралимпия ўйинлари совриндорлари — Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, уларнинг Ватанимиз спортни шон-



Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси (МОҚ) нодавлат, нотижорат ташкилот бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Халқаро Олимпия қўмитаси ҳамда ўз Низомида асосида фаолият юритади.



Олимпизм одимлари

Қўмитанинг фаолияти шунчалик кенг қамровлики, бунга батафсил тўхталиш қийин. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси 1993 йил 23 январда ташкил этилди ва 1993 йил сентябр ойида ўтказилган Халқаро Олимпия қўмитасининг 101-сессиясида Ўзбекистон Республикаси ушбу нуфузли ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган. Шунингдек, Ўзбекистон Осиё Олимпия ҳаракати ва минтақавий ташкилоти — Осиё Олимпия кенгаши, Миллий Олимпия қўмиталари Ассоциациясининг аъзосидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон олимпия ҳаракати Халқаро Олимпия ҳаракатининг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида шаклланди ва Ўзбекистон Республикасининг янги тарихий шароитида мамлакатнинг йирик jismoniy тарбия ва спорт жамоат ташкилотига айланган. Халқаро олимпия қўмитаси, Осиё Олимпия кенгаши, бошқа мамлакатларнинг Олимпия қўмиталари, хал-


Истиқлолнинг илк йилларидан Ўзбекистон ҳукумати, шахсан мамлакат Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга, аҳолининг jismoniy тарбия ва спорт билан шуғулланишига кенг йўл очилди ва бу Халқаро Олимпия қўмитаси раҳбарияти томонидан ҳам муносиб эътироф этилди: Ислам Каримов ХОҚнинг Олимпия олтин ордени билан тақдирланди.

ХОҚнинг собиқ президенти Самаранчининг сўрашга улқамизга уч марта ташриф буюргани ҳам бежиз эмас. У спортчиларимизнинг Лиллжаммерда ўтган қишки Олимпия ўйинларида қўлга киритган оламшумул ғалабаси туфайли (Л.Черязова, 1994), юртимизда ташкил этилган биринчи Марказий Осиё ўйинлари ҳамда «Олимпия шон-шуҳрати музейи»нинг очилиш маросими чоғида мамлакатимизда меҳмон бўлди.

Умидда АБДУЛЛАЕВА,
Нигора НОДИРОВА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон «Фидо-корлар» миллий демократик партияси **БИРЛАШМОҚДА**
Мурожаатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида куйидаги манзилда қабул қилинади.
Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 30-уй
Тел.: 244-81-28, 239-45-77

«Олимпиада ўйинлари» чайнворди



1. Бокс бўйича олимпиада ўйинлари чемпионлигига сазовор бўлган ўзбек ўғлини
2. Моторсиз транспорт воситасида узоқ масофага ўтказиладиган пойга.
3. Мамлакатимизга ташриф буюрган халқаро Олимпия қўмитаси Президенти.
4. Бир неча бор Олимпиада ўйинлари қатнашчиси ва совриндори, ватандошимиз, таниқли гимнастикачи аёл.
5. 1920 йилги VII Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган шаҳар.
6. Енгил атлетикада улоқтириш анжومي.
7. Футбол ўйини қисми.
8. Спорт ўйини тури.
9. Мусобақанинг бошланиши.
10. Футбол ўйини қисми.
11. XIX Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган Америка қитъасидаги пойтахт.
12. Ютуқ ҳисоби.
13. Чавандозлар майдони.
14. Эришилган энг юқори натижа.
15. Тенг натижа билан тугалланган ўйин.
16. 1900-1904 йилги олимпиада ўйинлари дастурига киритилган тул ва чағонлар билан ўйналадиган спорт.
17. Дунёда энг оммалашган спорт ўйини.
18. 1912 йилги V Олимпиада ўйинлари ўтказилиши режалаштирилган Европадаги пойтахт.
19. Боксдаги ҳолат.
20. «Олимпия шон-шуҳрати музейи» жойлашган республикамиздаги шаҳар.
21. Баскетбол анжومي.
22. Футболда химояланиш усули.
23. Теннис ўйини қисми.
24. Малака ҳосил қилиш, мусобақага тайёргарлик жараёни.
25. Тигил спорт анжومي билан ўтказиладиган мусобақа.
26. Дунёда оммалашган миллий спорт тизими.
27. Оғир атлетика спорти.
28. Олимпия ўйинлари эмблемасида яшил ҳалқа билан ифодаланган қитъа.
29. Оғир атлетика спортида улоқтириш анжومي.
30. Ўтмишда илк мусобақалар ўтказилган, Жаҳон мероси рўйхатидан ўрин олган маскан.
31. 1980 йил Москвада бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида ўқатиш бўйича кумуш медал совриндори, ватандошимиз.
32. Спортчи бор маҳорати билан ҳимоя қиладиган азиз диёр.
33. Таниқли япон футболчиси.
34. Олимпиада ўйинлари дастуридаги сакраш, муаллақ туриш, симдорда юриш каби спорт мажмуи.
35. Хозирги замон олимпиада ўйинлари илк мартаба ўтказилган пойтахт шаҳар.
36. Куч ва чаққонлик талаб қилинадиган гимнастика машқлари мажмуи.
37. 1996 йилги XXVI Олимпиада ўйинлари маркази бўлган АҚШдаги шаҳар.
38. Спорт майдони.
39. Қадимги олимпиада ўйинларининг пойга мусобақаларида фойдаланилган транспорт воситаси.

МУАММОНОМА

Авалло қуйида таърифлари баён этилган калит сўзларни топинг (қавсдаги рақам жавобнинг неча ҳарфдан иборатлигини аниқлатади).

1. Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган фасл.
2. Муваффақият.
3. Оқибат, натижа.
4. Қовунсимон узунчоқ тўп билан ўйналадиган спорт тури.
5. Японча миллий яккама-якка кураш тури.
6. Шарқона спорт тури.
7. Чавандоз ҳамроҳи, жонивор.
8. Уни мер-

ган мўлжалга олади. (5). 9. Олимпиада ўйинлари тизимига киритилган, организмни чиққитиришга қаратилган спорт тури. (10). 10. Куч ва чаққонлик талаб этиладиган спорт устаси. (7).

Энди шакл атрофидаги ҳарфларни калит сўзлари жавобларининг биринчи ҳарфлари билан алмаштириб, муаммонома ни ҳал этинг, бунда улардан Пекин олимпиадаси ширини билиб олишга муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Кулгу аренаси

Ўйинда ҳаддан ташқари кўп бақирган ишқибоз хавотир билан йилғамсираётми:
— Вой, овозим... овозим йўқолиб қолганга ўхшайди.
Қўшниси:
— Ваҳима қилманг, овозингизнинг менинг чап қулғимдан топасиз...

Телевизор томоша қилиб ўтирган Нортой ақасидан сўради:
— Нега япон футболчиларининг сочи тикка бўлади?
— Шуням билмайсанми. Ахир улар майдонга жаҳл билан тушишади-ку.

Бозорқўмининг қичкина ўғли биринчи бор футбол ўйинига келиб, хайрон бўлди:
— Нега уларнинг орқасига нархлари ёзиб қўйилган экан, а?
Ўз дарвозасига тўп киритган футболчилар энди рақиб жамоаларидан маош оладиган бўлишди.

Ҳакам сана-япти:
— Бир, икки, уч...
— Менга қара, — шивирлади секундант чўзилиб ётган боксчи. — Саккизгача турма.
— Яхши, — инқилаб сўради боксчи. — Хозир соат неччи бўлди?



Темирйўл қачон пайдо бўлган?

Ер юзидеги биринчи темирйўл 1825 йилда Англиядаги Стоктон ва Дармингтон шаҳарларини боғлаган эди. Бу йўл учун Жорж Стефенсон «Локомоуш» паровозини яратди. Йўл узунлиги 32 километрни ташкил қиларди. Орадан бир неча йил ўтиб, Жорж паровозини такомиллаштиради ва янги моделга «Ракета» номини беради. 1829 йилда Манчестр-Ливерпул йўналишида синовдан ўтаётган машина узоқ масофани тез-тез олардан ҳам илгарироқ босиб ўтди. Паровознинг максимал тезлиги ўшанда соатига 47 км.ни ташкил қиларди.

Теннис бўйича илк жаҳон чемпиони

Тўп билан боғлиқ ўйинлар Миср деворий суратларида 4000 йил муқаддам тасвирланган. Бундан 1000 йилча аввал француз монастирларида теннисни эслатувчи ўйин оммалашди. Француз қироли Филипп 1308 йил-

да Парижда теннис корти қурдиради. Бу спорт тури бўйича биринчи жаҳон чемпионати 1740 йилда ўтказилди. Лаун-теннис ҳақидаги илк маълумотларни 1793 йилда нашр этилган спорт журналларида учратиш мумкин.



Ишонч НАФ КЕПТЕРИЛИ
О.К.У.Ф. Ф.Т.У.У.
ОТМ БАНК

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov
Tahrir hay'ati:
Alfa DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysulov NAFASOVA,
Pirimqol QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONOYEV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari haqoti 256-87-83
Huquq va xalqaro haqot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-87-75
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-83-80

Manzillimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:
133; 134

Navbatchi muharrir:
T.Shernayev
Navbatchi:
D.Rahmonova
Musabih:
N.Yo'ldoshev

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar:
H.Abdujalilov va Y.Mixayrovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzilli:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tarhiyvat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) Tijorat materiallari
Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Topshirildi - 00.30
Byurotma Г — 714
11364 nusxada bosildi
1 2 3 4 5 7 8